

## РАҚАМЛИ АХБОРОТНИНГ КРИМИНАЛИСТИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

*Абдазимов Саидаминхўжа Зоирхўжа ўгли  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси;*

Инсоният борган сари ўз ривожланиш йўлида рақамли босқичга кириб бормоқда. Кундан кунга анъанавий ижтимоий муносабатлар янги ахборот технологиялари асосида амалга оширилмоқда. Афсуски, замонавий ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари технологиялар ривожидан сезиларли ортида қолмоқда. Мавжуд ҳуқуқий механизмларни янги технологияларга тадбиқ этиш бесамар кетмоқда ва кутилган натижани бермаяпти.

Компютер маълумотларини криминалистик классификациялаш муаммолари суд экспертлари томонидан бир неча бор қайта кўриб чиқилган. Масалан, В.Вехов, криминалистик нуқтаи назаридан, компютер маълумотларини қуйидаги асосларга кўра гуруҳларга ажратишни таклиф қилди:

- 1) ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган –ҳуқуқий мақомга кўра;
- 2) рухсат борлиги категориясига кўра - умумий фойдаланишга рухсат берилган ахборот (чекланмаган рухсат билан) ва уларга кириш давлат қонунларига мувофиқ чекланган, ҳимоя қилинадиган компютер маълумотлари;
- 3) тақдим этилиш шаклига кўра – ЭҲМ учун электромагнит тебранишлар (тўлқинлар) ва буйруқлар, файллар ва компютер дастурларида ахборотни электромагнит сигналлар ёрдамида фазода ва вақт оралиғида юбориш имконини беради.

Компютер ҳуқуқшунослиги ва ноқонуний турдаги тергов ишларида компютер ахборотидан фойдаланиш соҳасидаги етакчи олим Крис Рид компютер ахборотларини асосий 6 турга бўлишни таклиф этди: бирламчи маълумотлар (raw data); маълумотлар омбори (databases); электрон ахборотни расшифровка қилиш учун кодлар (codes necessary to inteipret computer information); дастурлаш алгоритмлари ва маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари; тижорий кўринишдаги дастурий таъминот (commercial software); компютер тизимлари (computer systems).

Юқорида таъкидланганидек, компютер маълумотлари рақамли ахборотнинг умумий миқдорининг бир қисми ҳисобланади. Маълум бўладики, ҳар қандай рақамли ахборотни классификациялаш тизимлари таклиф этилмасин, уларнинг ҳаммаси шартли бўлади ва бу одатда бу ахборот манбаларининг барча хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди.

Шу билан бирга, таклиф этилган классификациялаш тизимлари жиноий-процессуал кодексга мос исботи талаб этиладиган жиноий ишларнинг дастлабки тергов ва суд суриштирувлари қўядиган талабларни максимал равишда қондиради.

Турли хил муаллифларнинг илгари тавсия этган компьютер маълумотларини таснифлаш схемалари ёки мазмунга эга бўлмаган гуруҳларга бўлинган ёки улар турли хил жиноятлар бўйича криминалистик терговларида рақамли ахборотни аниқлаш, олиб қўйиш, белгилаш ва улардан фойдаланишнинг барча жиҳатларини ҳисобга олмайди.

Таклиф этилган рақамли ахборотни криминалистик классификациялашнинг асосий мақсади ушбу ахборот манбалари гуруҳини излаш учун мумкин бўлган энг аниқ йўналишларни аниқлаш имконини беради; рақамли ахборотни излаш, чиқариш, сақлаш ва ҳ.к.лар учун махсус тактикаларни ишлаб чиқиш; дастлабки терговнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва жиноят ишларини уни қўллашга асосланган ҳолда кўриб чиқади.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, шунингдек жиноятлар терговини криминалистик ташкил этишни таъминлаш, унинг пайдо бўлиши ёки пайдо бўлиши манбалари, жойлашуви, яхлитлиги ёки фрагментарлиги ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рақамли ахборотнинг функционал ва ахборот қийматини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги рақамли ахборотни классификациялаш тизимлари таклиф этилади.

*Рақамли ахборотни ташувчи воситалар турларига кўра классификациялаш.* Ушбу классификация доирасида, биринчи навбатда, рақамли ахборот мустақил рақамли техниканинг ишлаш жараёнида энергия манбайига эга ташувчи воситаларига ва мустақил энергия манбаига эгаллигига қараб тусланади. Бу каби классификация рақамли ахборотни чиқариб олишга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

*Рақамли технологиялар воситаларига аппарат улаш машиналари воситасида рақамли ахборотни классификациялаш.* Ушбу таснифлаш схемаси доирасида тўртта кичик гуруҳни ажратиш мумкин: биринчи кичик гуруҳ - рақамли технология воситаларига киритилган “қаттиқ” тарзда сақланадиган маълумотлар, яъни тезкор хотира (RAM), доимий хотира (ROM) ва рақамли асбоб-ускуналарнинг электрон плиталарининг ажралмас қисми бўлганлари; иккинчи кичик гуруҳга рақамли ускунада ўрнатиладиган машинада сақловчи қурилмаларда сақланадиган маълумот назарда тутилади, аммо рақамли ускуналарнинг яхлитлигига зарар етказмасдан осонгина олиб ташланиши ёки ўзгартирилиши мумкин бўлади; учинчи кичик гуруҳга машинада сақловчи қурилмалардаги маълумотларини рўйхатга олиш/ўқиш мосламалари (флоппинг дисклари, оптик машинада сақловчи қурилмалар, флеш-карталар ва ҳоказолар),

шунингдек портлар орқали рақамли қурилмага уланган ташқи сақловчи қурилмаларда магнит дисклар ёки қаттиқ қатламли дискларда; тўртинчи кичик гуруҳга локал, минтақавий ёки глобал ахборот коммуникация тармоқларига кирувчи машинавий тарзда ташувчи қурилмаларга бириктирилган.

*Рақамли ахборотнинг жойлашуви классификациясига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:* биринчи гуруҳ – машинавий ташувчи воситалар ва аниқ жисмоний ёки юридик шахсга тегилшли бўлган, жойлашуви олдиндан аниқ бўлган рақамли техникага уланган ёки улана оладиган машинавий қурилмалардаги ахборот; иккинчи гуруҳга – давлат ҳудудида жойлашган машинавий ташувчи қурилмаларда жойлашган (уланган) корпоратив ахборот-коммуникация тармоқ фойдаланувчиларининг ахбороти киритилади; учинчи гуруҳга – давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган машинавий ташувчи қурилмаларда жойлашган (уланган) локал, минтақавий ёки глобал ахборот-коммуникация тармоқлардаги фойдаланувчилар учун рухсат мавжуд бўлган ахборот киритилади.

*Рақамли ахборотни функционал ва информатив мақсадига кўра қуйидаги 5 гуруҳга бўлиш мумкин:*

- рақамли қурилмалар дастурий таъминоти;
- электрон ҳужжатлар;
- маълумотлар базалари;
- машина ташувчилари ҳақида бошқа маълумотлар.

Охирги гуруҳга тизим ва хизмат файллари, журнал файллари, лог файллар ва бошқалардаги маълумотлар киритилади.

Рақамли технологияларни қўллаш дастурларининг криминалистик таснифи доирасида бир неча асосий кичик гуруҳлар мавжуд. Биринчиси, рақамли ускуналарни (асосий кириш-чиқиш тизимлари, операцион тизимлар, периферик ва телекоммуникацион ускуналарнинг ишлаши учун дастурий таъминот), шунингдек хизмат дастурлари (драйверлар, утилиталар, плагинлар ва бошқалар). Иккинчи кичик гуруҳга рақамли технологияларнинг ишлашини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган муайян аниқ вазифаларни ҳал қилиш ёки амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий таъминот берилади. Ҳуқуқий дастурларнинг сони ва номи жиҳатидан учинчи ва энг каттаси таълим, кўнгилочар ва ўйин дастурларининг кичик гуруҳидир. Тўртинчи гуруҳда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишга махсус ишлаб чиқилган, жумладан, “зарарли дастур” деб номланган дастурлар киритилган.

Электрон ҳужжатлар турли асосларга кўра бир нечта классификация гуруҳларига бўлиниши мумкин. Биринчи ва энг йирик гуруҳлардан бири электрон ҳужжат бўлиб, асосан фойдаланувчининг файлга киритилган ҳужжат маълумотларини кейинчалик чоп этиш учун яратилган. Худди шу файллар

расмий ва норасмий электрон хужжат айланиши учун ишлатилади. E-mail сифатида кўрсатадиган иккинчи гуруҳ рақамли ускунадан фойдаланувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва турли хил почта алоқаси хизматлари (Mail.ru, Yandex.pochta, Gmail, rambler, Hotmail, Pochta.ru, Yahoo!), мобил алоқа (овозли почта, SMS, MMS) орқали узатилишга мўлжалланган.